

«Hilol» нашриёти «TashBookFest 2020» китоб кўргазмасида иштирок этади



11:25 / 16.12.2020 2339

TashBookFest бу ўзбек адабиётини дунёга тарғиб қилиш, жаҳон ноширлик саноатининг тажрибасини ўрганиш, китоб нашриётлари ва китоб савдоси ташкилотлари, ахборот-кутубхона муассасалари ва китоб тарғиботи билан шуғулланувчи ташкилотлар ўртасида халқаро алоқаларни ўрнатишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг ноширлик-матбаа соҳасидаги асосий форумидир.

TashBookFest - ноширлар, китоб муаллифлари, таржимонлар, адабий агентлар ва жаҳон адабиёти ихлосмандлари учун ноёб платформадир. Кўргазма бутун дунё адабиёт вакилларига ўз соҳасидаги ҳамкасблари билан учрашиш, илғор тажриба ва ғоялар билан ўртоқлашиш, янги ноширлик лойиҳалари ва адабий алмашинувларни бошлашга имкон

беради.

«TashBookFest 2020» кўргазма доирасида «Hilol» нашриёти 16 декабрь соат 12.30 да «Hilol-Nashr» замон билан ҳамнафас: «Hilol eBook» электрон китоблар иловаси ва kitoblardunyosi.uz саҳифаси ҳақида онлайн тақдимот ўтказди.

Islom.uz сайти